O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV. №

# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: info@xs.uz • 2006 йил 30 июнь, № 125 (3924) Жума

МУСТАҚИЛЛИК ТАҚДИРИМИЗДА

## ҚАҲРАМОННИНГ ИБРАТИ

*Ўзбекистон Қаҳрамони Ботир Темировнинг Фарғона нефтни қайта ишлаш заводида иш бошлаганига яқинда 35 йил тўлади. У кўп йиллик меҳнат фаолияти давомида уста, технологик қурилма механиги, техника назорати муҳандиси вазифаларида ишлади. Ҳозир эса Россия ва Чехия мутахассислари билан биргаликда лойиҳалаштирилган технологик қурилмада механик лавозимида меҳнат қилаётир. Мазкур қурилма бир йилда 600 минг тонна паст октанли бензинни қайта ишлаб, юқори сифатли автомобиль ёнилғисига айлантиради. Айтиш жоизки, Ботир ака мазкур қурилманинг қурилиши ва ишга туширилишида фаол иштирок этди. Бугунги кунда ушбу қурилма корхонанинг маҳсулот ишлаб чиқаришида асосий технологик жараённи бажаришини ҳисобга олсак, унинг доимо соз ишлашида механикнинг меҳнати нақадар беқиёс эканлиги аён бўлади.*

*—Ҳаётимда нимага эришган бўлсам ҳаммаси истиқлол туфайли, — дейди Ботир Темиров. — Ҳалол меҳнат ортидан қаҳрамон бўлдим, эл, юрт олдида ҳурматим ошди. Инсон учун бундан бошқа яна нима керак.*



**СУРАТДА: Ўзбекистон Қаҳрамони Ботир Темиров.**

**Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

## ФАРМОЙИШИ

### Ўзбекистон Республикасида ўлим жазоси бекор қилиниши муносабати билан қабул қилиниши лозим бўлган қонунлар, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тайёрлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 1 августда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикасида ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисида"ги ПФ-3641-сонли Фармони қоидаларини амалга ошириш учун зарур бўлган қонунлар ҳамда бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тайёрлаш борасидаги ишларни жадаллаштириш ва уларни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасида кўриб чиқиш учун ўз вақтида топшириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикасида ўлим жазоси бекор қилиниши муносабати билан қабул қилиниши лозим бўлган қонунлар ҳамда бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тайёрлаш бўйича 1-иловага мувофиқ ишчи гуруҳи тузилсин.

2. Ишчи гуруҳи (Б.Мустафоев):

бир ой муддатда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 1 августдаги "Ўзбекистон Республикасида ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисида"ги Фармони қоидаларини амалга оширишни таъминлайдиган қонунлар, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тайёрлаш жадвалини ишлаб чиқсин ва бунда 2006 йилнинг охиригача Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасида муҳокама қилиш учун уларни босқичма-босқич тақдим этиш зарурлигини ҳисобга олсин;

ушбу бандда кўрсатилган Жадвални ишлаб чиқиш чоғида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 19 августдаги Р-2310-сонли Фармойиши билан тасдиқланган "Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 1 августдаги "Ўзбекистон Республикасида ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисида"ги Фармонини амалга ошириш мақсадида қабул қилиниши, ўзгартирилиши ва қўшимчалар киритилиши лозим бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар рўйхати"ни асос қилиб олсин;

Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят-процессуал кодексларига ўлим жазосини жиноий жазолар тизимидан чиқариб ташлаш билан боғлиқ ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги таклифларни тайёрлаш чоғида "умрбод қамоқ жазоси" ва "узоқ муддатга озодликдан маҳрум этиш" каби янгидан жорий этиладиган жазо турлари тушунчаси, шунингдек бундай жазо турлари учун тайинланиши назарда тутиладиган жиноятлар таркиби (моддалар рўйхати) аниқ ишлаб чиқилишига алоҳида эътибор қаратсин;

мазкур Фармойишда кўрсатилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш бўйича вазирликлар ва идораларнинг фаолияти самарали мувофиқлаштирилишини, ушбу қонун ҳужжатларининг лойиҳаларини тайёрлаш борасидаги ишга малакали мутахассислар, шунингдек мамлакатимиздаги тадқиқот ҳамда таълим муассасаларининг етакчи эксперт ва олимлари жалб этилишини таъминласин;

ушбу Фармойишда кўрсатилган қонунлар, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тайёрлаш Жадвалининг бажарилиши тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президенти девонига ҳар чоракда маълумот бериб борсин.

3. Мазкур Фармойишнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Миллий хавфсизлик Кенгашининг Котиби М.Атаев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти**

**И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2006 йил 29 июнь.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармойишига

## ШАРҲ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 1 августда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикасида ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисида"ги ПФ-3641-сонли Фармони қоидаларини амалга ошириш борасида мамлакат ҳукумати, адлия, ички ишлар вазирликлари, Олий суд, Бош прокуратура ҳамда бошқа вазирликлар ҳамда идоралар, тадқиқот ва таҳлилий муассасалар томонидан каттагина ишлар олиб борилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Жиноий жазони ва суд ҳуқуқ тизимини либераллаштириш соҳасида қонунларни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 2005 йил 19 августдаги фармойиши билан ўлим жазоси бекор қилиниши ҳамда унинг умрбод қамоқ жазоси ёки узоқ муддатга озодликдан маҳрум этиш каби жазо турига алмаштирилиши муносабати билан қабул қилиниши, ўзгартирилиши ва қўшимчалар киритилиши лозим бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар рўйхати тасдиқланган. Шу билан бир қаторда янгидан жорий этиладиган жиноий жазо турлари ижро этилишини таъминлаш механизмлари пишиқтирилмоқда; янги жиноят, жиноят-процессуал қонун ҳужжатларига мувофиқ одил судловни ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини рўёбга чиқариш учун ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимларини, судьяларни тайёрлаш чора-тадбирлари ишлаб чиқилмоқда ва амалга оширилмоқда.

Мана шу ишларнинг барчасига юзлаб мутахассислар – нафақат юристлар балки иқтисодчилар, журналистлар, турли идораларнинг, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг экспертлари, олимлар, кенг жамоатчилик, жумладан маҳаллаларнинг вакиллари ҳам жалб этилган.

Ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисидаги фармон қоидаларини муҳокама этишга 238 телекўрсатув, 463 радиоэшиттириш, 270 дан кўпроқ газета ва журнал мақолалари бағишланди; 23 та илмий-амалий конференция, 148 семинар, 265 давра суҳбати ўтказилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Республикасида ўлим жазоси бекор қилиниши муносабати билан қабул қилиниши лозим бўлган қонунлар, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тайёрлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги шу йил 29 июнда қабул қилинган Фармойишининг асосий вазифаси ўлим жазосини жиноий жазолар тизимидан чиқариб ташлаш билан боғлиқ норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тайёрлаш борасидаги ишларни жадаллаштиришдан, уни амалга оширишнинг якунловчи босқичида ташкилий ишларни кучайтиришдан иборатдир.

Бу ерда нима назарда тутилмоқда?

Биринчи. Ўлим жазоси бекор қилиниши муносабати билан тайёрланаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини маромига етказиш давомида турли касбларга, ижтимоий қатламларга мансуб минглаб одамлар шу хусусда билдирган кўпдан-кўп фикр-мулоҳазаларни, шунингдек ушбу масала бўйича жамоат бирлашмалари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан киритилган таклифларни умумлаштириш ва эътиборга олиш.

Иккинчи. Ушбу мавзуда ўтказилган семинарлар, конференциялар, давра суҳбатларининг натижалари ва тавсияларини умумлаштириш ҳамда улардан ўлим жазоси бекор қилиниши ва у умрбод қамоқ жазосига ёки узоқ муддатга озодликдан маҳрум этишга алмаштирилиши муносабати билан республиканинг жиноят тўғрисидаги қонунларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш бўйича ишда фойдаланиш.

Учинчи. Чет мамлакатларнинг таниқли ҳуқуқшунослари, сиёсатчилари, журналистлари, турли халқаро ташкилотлар ва тузилмаларнинг экспертлари томонидан бу борада билдирган кўпдан-кўп фикр-мулоҳазаларни инобатга олиш.

Шундай қилиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг мазкур фармойишига мувофиқ тузилаётган ишчи гуруҳининг энг муҳим вазифаси мана шу барча материалларни умумлаштириш ва тизимлаштиришдан ҳамда уларнинг негизида ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисидаги фармон қоидаларининг амалга оширилишини таъминлайдиган қонунлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тайёрлаш жадвалини ишлаб чиқишдан ҳамда мазкур ҳужжатларни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига тақдим этишдан иборатдир.

Фармойиш ўз вақтида қабул қилинганлиги равшан. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 1 августдаги Фармони ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисидаги масалани кун тартибига қўйган, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 19 августдаги Фармойиши ўзгартиш ва қўшимчалар киритилиши лозим бўлган қонунлар, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни белгилаб берган бўлса, Олий Мажлис ушбу масалалар бўйича тегишли қонунларни қабул қилиши учун мазкур ҳужжатлар қабул қилингандан кейин ўтган даврда кўтарилган муаммоларни, қонун ижодкорлигининг янги соҳалари ҳамда йўналишларини умумлаштириш ва ҳисобга олиш зарур.

Аҳоли, жамоатчилик, эксперт ва мутахассисларнинг фикр-мулоҳазалари кенг миқёсда инобатга олинишини назарда тутувчи фақат шундай демократик ёндашувгина Ўзбекистонда ўлим жазосини бекор қилиш билан боғлиқ қонунларни қабул қилиш борасидаги чуқур ўйланган, пухта ва изчил ишларни таъминлаши мумкин.

*Симферопольдаги Қрим давлат муҳандислик-педагогика университетида Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг «Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди» китобининг тақдимоти бўлиб ўтди.*

## Украинада Ўзбекистон Президенти китобининг тақдимоти

Маросим иштирокчилари — университет ўқитувчи ва талабалари, шаҳар жамоатчилиги вакиллари юртимиз раҳбарининг сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ислоҳотларнинг бориши, мамлакатимизда ўзбек халқининг маданий меросини қайта тиклаш ва асраб-авайлаш борасида амалга оширилаётган ишлар тўғрисида билдирган фикрлари билан танишдилар.

Республикамизда хизмат кўрсатган фан ва техника арбоби, Украинада хизмат кўрсатган халқ таълими ишчиси, университет ректори Февзи Ёқубов ўз чиқишида Ўзбекистон Президенти асарининг аҳамияти ва долзарблигини юқори баҳолади. Унинг фикрича, асар замонавий Ўзбекистон ҳаётининг барча жиҳатларига алоқадор бўлган саволларга тўлиқ жавоб беради, баъзи оммавий ахборот воситаларидаги турли уйдирмаларни қатъий равишда рад этади.

Тақдимот иштирокчиларига Ўзбекистонда суд-ҳуқуқ, халқ таълими ҳамда юқори малакали кадрлар тайёрлаш борасида амалга оширилаётган ислоҳотлар тўғрисида тўлиқ ахборот берилди.

**«Жаҳон» АА.**

*Олий Мажлис Қонунчилик палатасида*

## ХАЛҚ МАСЛАҲАТЧИСИ ФАОЛИЯТИ ТАКОМИЛЛАШАДИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида Одил судловни амалга оширишда халқ маслаҳатчилари институтини ривожлантириш мавзуида давра суҳбати бўлиб ўтди. Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси ташаббуси билан ташкил этилган мазкур тадбирда қуйи палата депутатлари, Ўзбекистон Республикаси Олий суди судьялари, Бош прокуратура, Республика Юристлар малакасини ошириш маркази ходимлари ва тингловчилари, ҳуқуқшунос-олимлар ҳамда ОАВ вакиллари иштирок этди.

Маълумки, мамлакатимиз Президенти Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузасида суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш ва янада либераллаштиришга алоҳида эътибор қаратиб, судларнинг ҳақиқий мустақиллигини таъминлаш юзасидан фикр билдирган эди. Давра суҳбати иштирокчилари мазкур маърузадан келиб чиққан ҳолда, суд ишларини юритишдаги тажриба ва муаммолар, жиноий ва процессуал қонунчилигимизнинг, дастлабки тергов ва судгача бўлган жараён устидан суд назоратини кучайтириш, одил судловни амалга оширишда халқ маслаҳатчилари институтининг ҳуқуқий асослари ва уни такомиллаштириш омиллари хусусида сўз юритдилар.

Таъкидланганидек, дунёқараши шаклланган, ишчанлик ва ахлоқий фазилатлари билан ишончга сазовор бўлган муносиб фуқароларимиз, одатда, халқ маслаҳатчилари этиб сайланади. Улар одил судловни амалга оширишда алоҳида ўрин эгаллайди. Зеро, судлов жараёнида халқнинг бой тажрибаси, адолат ва соғлом фикрга асосланиш мезонларига таяниш айни халқ маслаҳатчилари иштироки орқали ҳам таъминланади.

Шунингдек, давра суҳбати иштирокчилари бугунги кунда халқ маслаҳатчилари фаолиятининг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш зарурлигини таъкидлаб, уларни суд жараёнларига жалб қилишда айрим камчиликлар борлигини қайд этдилар. Мавжуд муаммоларни бартараф этиш мақсадида қўмита аъзолари соҳа мутахассислари билан ҳамкорликда "Жиноят ишлари бўйича умумий юрисдикция судларининг халқ маслаҳатчилари тўғрисида"ги қонун лойиҳаси ишлаб чиқилиб, тегишли вазирлик ва ташкилотларга юборилгани ҳам тадбирда маълум қилинди.

**Зиёда АШУРОВА.**

## ИЛМИЙ — АМАЛИЙ АНЖУМАН

***Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасида Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссия, Тошкент давлат юридик институти ҳамда UNICEF — БМТнинг халқаро болалар жамғармаси билан ҳамкорликда «Ижтимоий ва ҳуқуқий ҳимояга муҳтож болаларнинг ҳуқуқий ҳолати» мавзуида илмий-амалий конференция бўлиб ўтди.***

Анжуманда Бош прокуратура, Ички ишлар, Халқ таълими, Соғлиқни сақлаш, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, Олий ва ўрта-махсус таълим вазирликлари, Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, «Sen yolg'iz emassan» республика жамоатчилик болалар жамғармаси ходимлари, олим ва мутахассислар ҳамда халқаро ва жамоатчилик ташкилотлари вакиллари иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ўринбосари К.Исмоилов, Халқ таълими вазири, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссия раиси ўринбосари Т.Жўраев, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси раиси А.Зиё, Тошкент давлат юридик институти ректори М.Рустамбоев, ЮНИСЕФнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси раҳбари Ризо Ҳусайний ва бошқалар мамлакатимизда фарзандлар, айниқса, жисмоний имкониятлари чегараланган, шунингдек, ота-она қарамоғидан маҳрум болаларга ғамхўрлик кўрсатиш халқимизнинг азалий фазилатларидан бири эканини таъкидладилар.

Истиқлол йилларида бундай ғамхўрликнинг амалдаги ифодаси давлатимиз раҳбари Ислом Каримов юритаётган сиёсатнинг устувор йўналишларидан бири сифатида намоён бўлмоқда. Аҳолини, айниқса, ижтимоий ва ҳуқуқий жиҳатдан хатарли гуруҳларга мансуб болаларнинг ижтимоий ва ҳуқуқий ҳимоясини таъминлашга йўналтирилган дастурлар амалга оширилмоқда. Бунда асосий эътибор ана шундай муҳитдаги вояга етмаганлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва ижтимоий мослаштиришга қаратилмоқда. Бу эса мазкур тоифадаги болаларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини самарали рўёбга чиқаришнинг муҳим омилларидан ҳисобланади.

Мамлакатимизда 11 миллион 300 минг нафар боладан 125 минг 900 нафарининг жисмоний имкониятлари чегараланган бўлиб, улардан 47 минг 475 нафари мактабларда, 14 минг 586 нафари махсус мактаб-интернатларда ҳамда 10 минг 830 нафари эса якка тартибда ўқитилмоқда.

Ҳукуматимиз, «Sen yolg'iz emassan» республика жамоатчилик болалар жамғармаси ва ҳомийлар томонидан ажратилган маблағлар ҳисобига юртимиздаги 28 та меҳрибонлик уйи, 85 та ихтисослаштирилган махсус мактаб-интернат таъмирланиб, замонавий ўқув қуроллари ва тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган.

Оналик ва болаликни ижтимоий муҳофаза қилиш, миллат генофондини соғломлаштириш, таълим ва тарбия уйғунлигини таъминлаш, аҳолининг кам таъминланган қисмини ижтимоий муҳофаза қилиш, ижтимоий ва ҳуқуқий жиҳатдан хатарли гуруҳларга мансуб болаларни ҳуқуқий ҳимоялаш бўйича самарали чоралар ишлаб чиқишда олимлар, амалиётчилар ва кенг жамоатчиликнинг ҳамкорлиги мустаҳкамланмоқда.

Мамлакатимиз аҳолисининг 44 фоизини вояга етмаган ёшлар ташкил қилади. Уларнинг таълим-тарбия олиши, иш билан таъминланиши ва ҳуқуқий жиҳатдан ҳимояланиши муҳим аҳамиятга эга. Шу боис анжуманда ижтимоий ва ҳуқуқий жиҳатдан хатарли бўлган гуруҳларга мансуб болаларни ҳуқуқий ҳимоя қилиш сифати ва кўламини янада чуқурлаштириш ва кенгайтириш зарурлигига эътибор қаратилди.

Анжуманда «Инсон ҳуқуқлари бола ҳуқуқларидан бошланади», «Ижтимоий ва ҳуқуқий жиҳатдан хатарли гуруҳларга мансуб болаларни ҳуқуқий ҳимоя қилишнинг самарали чоралари», «Ижтимоий ҳимояга муҳтож болаларнинг ҳуқуқий ҳолати: халқаро стандартлар», «Бола ва ҳуқуқ муаммолари: ювенал адлия», «Ижтимоий ва ҳуқуқий жиҳатдан хатарли гуруҳларга мансуб болаларни меҳрибонлик уйларида тарбиялаш хусусиятлари» каби мавзуларда маърузалар тингланди.

**Беҳзод НОРБОЕВ,**
**ЎзА мухбири.**

# БАНКРОТЛИК — ИҚТИСОДИЙ ТАРАҚҚИЁТНИ ҲАМ БЕЛГИЛАЙДИ

***Бозор муносабатлари товар ишлаб чиқарувчи ва хизмат кўрсатувчилардан бозор қонунларига сўзсиз итоат этишни талаб қилмоқда. Шу маънода иқтисодий ривожланган ҳар бир давлатда банкротлик тўғрисидаги ҳуқуқий ҳужжатлар бозор муносабатларини тартибга солиш механизмининг таркибий қисмларидан бири ҳисобланади. Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 18 апрелдаги «Амалга оширилаётган иқтисодий ночор корхоналарни таркибий ўзгартириш ва молиявий соғломлаштириш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори ана шу йўналишда дастуриламал бўладиган ҳуқуқий ҳужжатдир. Ҳудудий бошқармамиз ушбу меъёрий ҳужжат талабларидан келиб чиқиб, муайян ишларни амалга оширмоқда.***

Бу борада вилоят иқтисодий ночор, зарар кўриб ишлаётган ҳамда истиқболсиз 43 та корхонани тугатиш, таркибий ўзгартириш ва ихчамлаштириш бўйича ишлаб чиқилган дастур ўзининг ижобий самарасини бермоқда. Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги «Банкротлик тўғрисида»ги Қонунининг ҳаётга жорий этилиши банкротлик таомилини соддалаштириш имконини берди. Табиийки, банкрот деб эълон қилинган корхоналарни тугатиш ишлари самарадорлигини оширмоқда ва шу билан бирга уларга нисбатан банкротлик тартибини қўллашда ўз иқтисодий аҳволини ўнглаб олишлари учун имконият яратишга қаратилган суд санацияси ва ташқи бошқарувчи жорий этиш чора-тадбирлари кўрилмоқда. Натижада молиявий соғломлаштириш, таркибий ўзгартириш ва ихчамлаштириш кўзда тутилган 23 та субъектнинг 17 таси ойлик ўртача сотиш ҳажмини, 12 таси ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланишни анча оширишга эришдилар. 3 та корхона ўз ишлаб чиқариш фаолиятини, 8 та корхона ўз тўлов қобилиятини тиклади. 2 та корхона — «Қўшкўпир силикат ғишт заводи» ва «Тайёрлов ва сотиш» МЧЖлар эса зарар билан ишлашдан, 4 та корхона иқтисодий ночорлик ҳолатидан чиқиб олди.

Яна бир эътиборли томони 7 та корхонада муддати ўтган дебиторлик қарзлар 669,5 млн. сўмга, 16 та корхонада кредиторлик қарзлар 1770,7 млн. сўмга, шу жумладан 4 та корхонада муддати ўтган қарзлар 468,9 млн. сўмга камайди.

Вилоятда соғломлаштириш дастури қабул қилингандан сўнг ўтган 9 ой мобайнида молиявий соғломлаштиришга қаратилган ишларга 9,1 млрд. сўм маблағ жалб қилиниб, шундан 3,5 млрд. сўми ташқи инвестиция асосида, 5,6 млрд. сўми ички имкониятлар ҳисобига йўналтиришга эришилди. Бунинг натижасида 688 та янги ишчи ўрни ташкил қилинди ёки ишчи ўринлари қайта тикланди.

Қўлга киритилган ютуқлардан яна бири шуки, таркибий ўзгартирилаётган жамоаларнинг фойдаланмаётган қувватлар ҳисобига 5 та янги ишлаб чиқариш корхонаси ташкил қилинди.

Масалан, «Туямўйин-Урганч» магистрал сув қувурларидан фойдаланиш бошқармаси қошида «Нурли воҳа» ва «Қувур қурилиш» шўъба корхоналари, «Гурлан» АЖ қошида Польша билан ҳамкорликда «Гурлан-Дора» қўшма корхонаси, «Урганч экскаватор» АЖ қошида Россия билан ҳамкорликда «Хоразм машинасозлик компанияси» қўшма корхонаси ҳамда «Тайёрлов ва сотиш» МЧЖ қошида «Чолиш-трейдинг» шўъба корхонаси ишга туширилди.

**Қонун ва ижро**

Қилинган бу ижобий ишларни, албатта, тегишли корхона раҳбарларининг ўз вазифасига, мулкига муносабати билан ўлчаш лозим бўлади. Вилоятдаги 17 та корхонага нисбатан қўлланилган тугатишга оид банкротлик таомили натижалари таҳлил қилинганда бунга яна бир бор ишонч ҳосил қиламиз. Баъзи раҳбарларда мулкдорлик ҳисси, ташкилотчилик қобилияти ортаётгани сабабли тугатиш жараёни бошланганида 8 та корхона пул мажбуриятлари бўйича қарзларини тўлиқ тўлаб, иқтисодий ночорлик ҳолатидан чиқиб кетди. Яна 2 та корхона тугатиш жараёнида иқтисодий ночорлик ҳолатидан чиқиш учун кредиторлик қарзларни тўламоқда. Бундан ташқари, 2 та хўжалик юритувчи субъект — «Сантехгазмонтаж» МЧЖ ва Кўкаламзорлаштириш бош бошқармасига ташқи бошқарувга оид банкротлик таомили қўллаш белгиланганида пул мажбуриятлари бўйича қарзларини тўлаб, келишув битими тузишди. Бу билан ўзларига эркин фаолият юритишга шароит яратдилар.

Бундан ташқари, ҳудудий бошқарма ташаббуси билан вилоят ҳокимлигига 137 та хўжалик юритувчи субъектларни молиявий соғломлаштириш, таркибий ўзгартириш ва истиқболсиз иқтисодий ночор корхоналарга банкротлик таомилларни қўллаш юзасидан киритилган таклифлар маъқулланиб, самарали иш олиб борилмоқда. Бу яхши, албатта! Лекин кўпчилик хусусийлаштирилган, бугунги кунда анча миқдордаги мулкка эгалик қилаётган хўжалик юритувчи субъект раҳбарлари, ҳатто маҳаллий ҳокимият органи ходимлари Ўзбекистон Республикасининг «Банкротлик тўғрисида»ги Қонунини ҳаётга татбиқ этишда лоқайдликка йўл қўяётганликлари ҳам сир эмас.

Шуни таъкидлаш жоизки, ушбу қонун асосида яратилган банкротлик институти бир томондан тўловга қобилиятсиз хўжалик юритувчи субъектларни тугатиш эвазига бозорни соғломлаштиришга хизмат қилса, иккинчи томондан ҳаракатда бўлган тадбиркорлик субъектларига ўз ишларини қайта ташкил этиш ҳамда молиявий жиҳатдан мустаҳкам бўлишга имконият яратиб беради.

Аммо, айрим раҳбарлар истиқболсиз, иқтисодий ночор ташкилотларни тугатиш иқтисодий муҳитни яхшилаб, фаолиятига салбий таъсир кўрсатаётган муаммоларга ечим топишга ва хўжалик муносабатларини мустаҳкамлашга асос бўлишини тушуниб етмаяптилар. Бу уларнинг ўз вазифасига совуққонлик билан ёндашиш ёки бозор шароити талабларига бепарволик билан қарашидан бошқа нарса эмас.

Мана бир мисол: тугатишга оид банкротлик таомили қўлланилган айрим корхона раҳбарларига «Сиз нимага, корхонангизни молиявий соғломлаштириш тадбирларини кўрмадингиз?» деб савол берсангиз, ҳисоб рақамларини қарзлардан тозаламоқчи эдим, дея изоҳ беришади. Ишга нисбатан ана шундай муносабат иқтисодиётимиз ривожига тўсиқ бўлиши тайин. Бунинг олдини олиш учун биз юқорида зикр этиб ўтган қонун талаблари қўл келади.

Демоқчимизки, бозор муносабатлари шароитида самарали фаолият юритишнинг асосий шарти — барча хўжалик юритувчи субъектлар иштирок этадиган рақобат майдонида куч синашиб, синовларга бардош беришдан иборат.

**Ўринбой АБДУЛЛАЕВ,**
**Хоразм вилоят монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ҳудудий бошқармаси бошлиғи.**

***Кеча Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси томонидан "Истеъмолчиларга коммунал хизматлар кўрсатишда хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатларининг роли" мавзусида амалий семинар ташкил этилди.***

## Истеъмолчи ҳуқуқи ҳимояда

Унда Ўзбекистон Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари федерацияси, "Марказий Осиёда маҳаллий бошқарувни ривожлантириш» лойиҳаси, УРБАН институти, Тошкент шаҳар Хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари уюшмаси, "Тошиссиққувват" ишлаб чиқариш бирлашмаси ҳамда бошқа мутасадди идора ва ташкилотларнинг раҳбар-мутахассислари иштирок этди.

Семинарда коммунал хизмат кўрсатишда хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари фаолияти, истеъмолчи билан ширкатлар ўртасида ҳамда иссиқлик таъминоти хизмати сифатини оширишдаги муаммолар муҳокама қилинди. Шу билан бирга, тадбир иштирокчилари мутахассисларнинг "Хусусий уй-жой мулкдорлари ширкати тўғрисида"ги Қонуннинг янги таҳрири ва бошқа ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларнинг аҳамияти хусусидаги маърузаларини тингладилар.

Тадбир доирасида қўмита томонидан тайёрланган "Коммунал хизмат кўрсатиш соҳасида истеъмолчиларнинг ҳуқуқлари" деб номланган қўлланманинг тақдимоти ҳам бўлиб ўтди.

**Саидолим ҲАЙДАРОВ,**
**"Халқ сўзи" мухбири.**

## АВТОДЎКОН ИШГА ТУШДИ




"Қўқонавтотеххизмат" акционерлик жамияти ҳузурида "Қўқонавтосавдо" МЧЖ иш бошлади. Ушбу замонавий мажмуада "ЎзДЭУавто" корхонасида ишлаб чиқарилган автомобиллар сотилади ва уларга техник хизмат кўрсатилади.

— Мижозларга бугунги кун талаблари асосида хизмат кўрсатишни ният қилганмиз, — дейди мазкур жамият бошқаруви раиси Иброҳимжон Сулаймонов. — Шунинг учун ҳам бу ерда барча жараёнлар компьютерлаштирилган.

"ЎзДЭУавто" корхонаси билан тузилган шартномага кўра, бу мажмуада бир йилда мингдан зиёд автомобиль сотиш кўзда тутилган. Жамиятда кўрсатилаётган хизматларнинг барчаси кафолатланади. Янги корхонада 20 нафар маҳаллий ёшлар иш билан таъминланди.

**М.СУЛАЙМОНОВ,**
**ЎзА мухбири.**

*«Микрокредитбанк»:*

## МИЖОЗЛАР КЎПАЙМОҚДА

***Халқаро экспертларнинг маълумотларига кўра, 2004-2005 йилларда дунё иқтисодиётида ўсиш 4 фоизни ташкил этди. Бундай кўрсаткич кейинги 30 йилда қайд этилмаганини ҳисобга олсак, Ўзбекистонда эса фақат 1999-2003 йилларда ялпи ички маҳсулот ишлаб чиқариш 4,2 фоиздан 7-7,7 фоизга ўсгани қувонарли, албатта.***

Республикамизда ялпи ички маҳсулот тайёрлашда хусусий корхоналар, микрофирмалар, фермер хўжаликлари, якка тартибда иш юритаётганлар ва оилавий бизнес билан шуғулланаётганларнинг улуши салмоқли бўлаётгани сир эмас. Масалан, қишлоқ хўжалигини олиб кўрайлик. Етиштирилаётган пахтанинг 66 фоизи, ғалланинг 55 фоиздан зиёди фермер хўжаликлари ҳиссасига тўғри келади. Айни пайтда фермер хўжаликларида 1 миллиондан кўпроқ одам иш билан банддир.

**Ислоҳот одимлари**

Шу боис ҳукуматимиз мазкур қатламнинг иқтисодиётимиздаги имкониятларини ҳисобга олиб, самарадорликни янада ошириш бўйича муайян ишларни рўёбга чиқармоқда. Президентимизнинг 2006 йил 5 майдаги "Микрокредитбанк" акциядорлик тижорат банкини ташкил этиш тўғрисида"ги Фармони бунинг тасдиғидир. Ушбу ҳужжатда илк қадам қўяётган хусусий тадбиркорлар, фермерлар, якка тартибда меҳнат фаолияти билан шуғулланаётганлар, оилавий бизнес ва касаначилик асосида иш юритаётганларга имтиёзли маблағлар бериш белгиланган.

Энг муҳими, мазкур молиявий муассасанинг сармоялари жамиятимизнинг ишончли ва синалган қатламига мўлжалланаётганлиги назарда тутилса, тез орада ички бозоримизда мўл-кўлчилик юзага келишига умид боғлашимиз мумкин. Гап шундаки, давлатимизнинг таянчи сифатида шаклланаётган мазкур синф, Юртбошимиз таърифлаганидек, "биринчи навбатда, бу — ўз кучи ва имкониятига таяниб-суяниб яшайдиган, ўзини, оиласини боқаётган ва давлатга ҳам катта наф келтираётган, ўзининг мустақил тижорат ишига эга бўлган мулкдор — тадбиркорлардир. Айнан ана шундай одамлар жамиятимизнинг таянчи бўлиб, унинг ижтимоий асосини ташкил этади".

"Микрокредитбанк" томонидан ажратиладиган микрокредит сифатидаги сармоялар эса эндиликда тадбиркорлик соҳасига кириб келувчиларнинг орзу-умидларига қанот бағишлайди, айниқса, ёшларни яратувчилик фаолияти сари бошлайди.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, бугунги кунда мазкур молиявий муассасада микрокредит бериш ва микролизинг хизматлари кўрсатиш тўғрисидаги меърий ҳужжатлар ишлаб чиқилиб, амалиётга жорий этилмоқда. Жумладан, бошланғич сармояни шакллантириш учун юридик шахс мақомига эга бўлмаган тадбиркорларга энг кам ойлик иш ҳақининг 50 баравари миқдорида, йилига 5 фоизлик ставка бўйича 18 ой муддатга, микрофирма ва деҳқон хўжаликларига энг кам иш ҳақининг 100 баравари миқдорида, фермер хўжаликларига 200 баравари миқдорида кредит ажратилмоқда. Тадбиркорларнинг иш юритишига қараб, энг кам ойлик иш ҳақининг 500 ва ҳатто 2000 баравари миқдорида кредитлар бериш ва лизинг хизматлари кўрсатиш ҳам амалиётга жорий этилмоқда.

— Кредитларни бериш тартиби жаҳон амалиёти мезонларига монанд ташкил этилган, — дейди "Микрокредитбанк" бошқаруви раиси Жамшед Сайфиддинов. — Ҳозир жойларда кредит маблағларини олувчилар учун семинарлар уюштирилиб, уларга малакали мутахассисларимиз бизнес-режа тузиш ва кредит билан муомала қилиш тўғрисида батафсил маълумотлар беришяпти. Кредитларни фоизлари билан ўз вақтида тўлаган ва уни режада кўрсатилган муддатда қайтарган мижозларга янада кўпроқ қулайликлар яратилиши тушунтирилмоқда. Мақсадимиз битта: бизнинг хизматимиздан шаҳарлардаги тадбиркордан тортиб, энг чекка қишлоқлардаги оилаларгача баҳраманд бўлсин!

Қувонарлиси, фаолиятини энди бошлаётган кўпчилик тадбиркорлар бундай микрокредитларнинг афзалликларини билиб, ҳисоб рақамини мазкур муассасада очишни маъқул кўришяпти. Биз банкнинг Тошкент вилояти бошқармасида бўлганимизда, бунга яна бир карра ишонч ҳосил қилдик.

— Мен яқинда чорвачиликка ихтисослашган фермер хўжалигини ташкил этиш тўғрисида туман ҳокимининг қарорини олдим, — дейди Оққўрғонлик Абдурасул Алишев. — Президентимизнинг Фармони билан танишиб чиққанимдан сўнг ушбу банкда ҳисобварағимни очишга қарор қилдим. Қаранг, ўйлаганимдек, банкда мени хушмуомалалик билан кутиб олиб, дарҳол барча ишларимни битириб беришди.

Шу кеча-кундузда банк мижозлари сони 50 минг нафардан ошиб кетди. Уларнинг сафи кундан-кунга кўпайиб бормоқда. Боиси, ўз фаолиятини энди бошлаётган тадбиркор ва фермерларнинг банкдан умиди катта. Чунки банк жамоасининг "Бизнинг сармояларимиз — тадбиркорлик, бунёдкорлик ва тараққиёт хизматида!" деган шиорида ғоят катта маъно мужассам.

**Ҳосил КАРИМОВ,**
**"Халқ сўзи" мухбири.**



*Андижон вилоятининг Марҳамат шаҳрида жойлашган "Марҳамат электротехника заводи" очиқ акциядорлик жамиятида асосан паст кучланишли электр жиҳозлари ишлаб чиқарилларди. Корхонани янада ривожлантириш мақсадида хорижий инвесторлар жалб қилинди.*

## Имкониятлар кенгайди

*Натижада россиялик тадбиркорлар томонида жамиятга 50000 АҚШ доллари миқдорида сармоя киритилди. Ана шу маблағ ҳисобига Жанубий Корея Республикасидан замон талабларига мос ишлаб чиқариш ускуналари ҳамда Қозоғистондан метал хомашёлар харид қилинди.*

*Ҳукуматимизнинг маҳаллийлаштириш дастурига мувофиқ жорий йилдан бошлаб корхонада "ЎзДЭУ-авто" ёпиқ акциядорлик жамияти автомобилларига бутловчи қисмлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Хусусан, ҳозирда "Нексия" машинасига ўрнатилаётган эшик қулфлари айнан Марҳаматда тайёрланмоқда.*

**СУРАТЛАРДА: йиғувчилар гуруҳи бошлиғи Назирахон Гулматова; ишчилар Маҳамаджон Турғунбоев ҳамда Шавкатбой Раҳимовлар.**



**Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган суратлар.**

# ХИЗМАТ КЎРСАТИШ ВА СЕРВИС РИВОЖИ

## мутахассислар салоҳиятига ҳам боғлиқ

***Президентимизнинг "Ўзбекистон Республикасида 2006-2010 йилларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори аҳолининг бандлигини ошириш, уларнинг даромадларини кўпайтириш, шу орқали маҳаллий бюджетни тўлдиришни кўзда тутади.***

Ҳақиқатан ҳам, ушбу тармоқ ўзига хос хусусиятларга, жумладан, кичик бизнесни жадал ривожлантириш учун қулай имкониятларга эга. Афсуски, бизда ана шу имкониятлардан тўлиқ фойдаланилмаяпти. Аҳолининг истеъмол харажатлари таркибида мазкур соҳа атиги 10-15 фоизни ташкил этиши, иқтисодий ривожланган мамлакатларда эса бу кўрсаткич 50-60 фоизга тенглиги шундан далолат беради. Шунинг учун, Қарорга кўра, 2010 йилга бориб, мамлакат ялпи ички маҳсулоти таркибида хизматлар соҳасининг улушини 49 фоизга етказиш (ҳозир 38,5 фоиз), банд бўлган аҳоли сонини эса 1,6 баравар кўпайтириш белгиланди.

Табиийки, олдимизга қўйилган вазифаларни бажаришда малакали кадрлар тайёрлаш, уларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш масаласи алоҳида аҳамият касб этади. Бунинг учун, айтиш мумкинки, Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институтида барча имкониятлар мавжуд. Бу ерда савдо хизмат соҳаси бўйича "Иқтисодиёт", "Менежмент", "Маркетинг", "Товаршунослик ва товарларнинг тижорат савдо экспертизаси", шунингдек, "Сервис", "Туризм операторлик хизматини ташкиллаштириш", "Туризм менежменти", "Туризм маркетинги" каби таълим йўналишларида мутахассислар тайёрланмоқда. Институтнинг илмий-педагог ходимлари эса яратилган имкониятдан фойдаланиб ривожланган мамлакатларда ўз малакаларини ошириб қайтмоқдалар. Айни кунларда эса, улар янги таълим йўналишларининг намунавий ва ишчи ўқув режалари, фан дастурлари асосида фаолият юритмоқдалар.

Шу билан бирга, институтда "Хизмат кўрсатиш", "Бизнес ва бошқарув" соҳалари бўйича кадрлар тайёрлаш классификаторлари таркиби қайта кўриб чиқилиб, уларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаси таълим йўналишларини кенгайтиришга эътибор қаратилмоқда. Унга кўра, бакалавриатнинг "Бухгалтерия ҳисоби ва аудит" йўналиши "Хизмат кўрсатиш соҳасида бухгалтерия ҳисоби ва аудит", "Меҳмонхона мажмуаларида бухгалтерия ҳисоби ва аудит", "Банк-молия хизматлари соҳасида бухгалтерия ҳисоби ва аудит", "Ташқи иқтисодий фаолиятнинг бухгалтерия ҳисоби ва аудити", "Агробизнес соҳасида бухгалтерия ҳисоби ва аудит" каби йўнилашларга ихтисослаштирилади. Магистратура босқичидаги мутахассислик классификаторлари ҳам хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасига мослаштирилади.

**Долзарб мавзу**

Албатта, бозор иқтисодиёти талабларига мос малакали кадрлар тайёрлаш ўқув жараёнини амалиёт билан узвий равишда уйғунлаштиришни тақозо қилади. Шуни ҳисобга олиб, талабаларнинг молиявий жиҳатдан барқарор бўлган корхоналар, айниқса, хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарда малакавий амалиётларни ўташлари йўлга қўйилади. Институт билан "Ўзбектуризм" миллий компанияси ва турли мулк шаклидаги меҳмонхона мажмуалари ўртасида узоқ муддатларга мўлжалланган ҳамкорлик дастурлари тузилади. Бу, ўз навбатида, соҳа корхоналари учун малакали мутахассислар тайёрлаш, уларни ўз вақтида ишга жойлаштириш, ҳамкорликда ўқув, услубий адабиётларни тайёрлаш имконини кенгайтиради. Институт олимлари томонидан хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаси бўйича буюртмалар асосида илмий-тадқиқот ишларининг олиб борилиши эса, институтга тушадиган бюджет маблағлари ҳажмининг ошишига олиб келади. Бундан ташқари, Малака ошириш ва мутахассисларни қайта тайёрлаш марказида хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаси ходимларини ўқитишни ташкил этиш туфайли уларнинг валюта эвазига четга бориб ўқиб келиш харажатларини каймайтиради.

**Ҳасан МУСАЕВ,**
**Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти профессори.**




## МУСТАҚИЛЛИК ТАҚДИРИМИЗДА

***Ўзбекистонимизнинг истиқлол даври тарихига назар ташласак, халқимиз Президент Ислом Каримов раҳнамолигида янги ҳаёт, янги жамият қуриш, авлодларга озод ва обод Ватан қолдириш йўлида салмоқли ютуқларни қўлга киритганига гувоҳ бўламиз. Бунинг учун мустақил тараққиёт даврининг бошидаёқ ўзимизга хос ва ўзимизга мос йўл танлангани, сиёсий, иқтисодий-ижтимоий ислоҳотларни амалга оширишда мамлакатимиздаги реал вазият, халқимизнинг менталитети ҳар томонлама инобатга олингани, бозор муносабатларига асосланган демократик ҳуқуқий давлат барпо этишда ҳар хил "сакраш"ларсиз тадрижий йўлдан борилгани мустаҳкам замин бўлди. Ҳар қандай жамиятда ҳам анчайин мураккаб кечадиган ўтиш даврида мамлакатимизда одамларнинг ижтимоий муҳофазасига, аҳолининг ночор қатламларини қўллаб-қувватлашга давлат миқёсида жиддий аҳамият берилди. Бундай ёндашув, бу борада қилинаётган амалий ишлар юртдошларимизнинг ҳаётга, жамиятга, меҳнатга, ислоҳотларга муносабатини тубдан ўзгартирди, ўзгариш ва янгиланишлар жараёнига муқаррарлик, ортга қайтмаслик хусусиятини бахш этди.***

# ЭЗГУЛИККА ЙЎҒРИЛГАН ЙИЛЛАР

Энг муҳими, истиқлол йилларида, ислоҳотлар ислоҳот учун эмас, инсон учун, унинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш учун деган тамойил ўзининг амалий ифодасини топди. Буни ижтимоий ҳаётимизда яхши анъанага айланган, бирон-бир долзарб масалага давлатимиз ва жамиятимиз эътиборини кучайтириш мақсадида ҳар бир йилга алоҳида ном бериш тажрибаси мисолида ҳам кўриш мумкин.

Дастлаб 1996 йил Юртбошимиз ташаббуси билан мамлакатимизда Амир Темур йили деб эълон қилинган эди. Шу муносабат билан буюк саркарда ва давлат арбоби, илм-фан ва маданият пешвоси соҳибқирон Амир Темур ҳақидаги тарихий ҳақиқатни тиклаш, унинг номини бўҳтон ва ҳақорат чангидан тозалаш, бой меросини ўрганиш борасида улкан ишлар амалга оширилди. Тошкент, Самарқанд, Шаҳрисабзда ул беназир зотнинг муаззам ҳайкаллари ўрнатилди, Темурийлар тарихи давлат музейи барпо этилди, кўплаб китоб ва рисолалар чоп этилди — улуғ ватандошимизнинг таваллуд айёми мамлакатимизда ва халқаро миқёсда кенг нишонланди.

Айниқса, Амир Темур орденининг таъсис этилиши, мустақиллигимизнинг илк йилларида бошланган, ўзлигимизни англаш, тарихий ва миллий қадриятларимизни тиклаш, маънавиятни юксалтириш борасида амалга оширган тадбирларимизнинг энг асосийларидан бири бўлди. Бу ишлар юртдошларимизнинг руҳини кўтаришга, уларнинг онги ва қалбида ўз юрти, унинг тарихи билан фахрланиш, ўз кучи ва салоҳиятига ишонч туйғуларини уйғотишга хизмат қилди.

Шундан кейин эълон қилинган Инсон манфаатлари ёки Оила йили деймизми, Аёллар, Соғлом авлод, Оналар ва болалар, Қарияларни қадрлаш, Обод маҳалла, Меҳр ва мурувват, Сиҳат-саломатлик йилларини оламизми — буларнинг барчаси бир-бири билан мантиқий асосда узвий боғланганига ишонч ҳосил қиламиз. Бу боғлиқлик, мамлакатимизда амалга оширилаётган давлат сиёсати, барпо этилаётган янги жамият, ҳаётимизда эъзоз топаётган эзгу қадриятлар замирида Ўзбекистоннинг буюк келажагини ўйлаб, йиллар давомида бу олижаноб ишга ўз ҳиссасини қўшган, ана шу пойдеворнинг тамал тошини қўйган фахрийларимизни, бугун юрт равнақи йўлида фидокорона меҳнат қилаётган, ёш, соғлом авлодни тарбиялаётган заҳматкаш инсонларни улуғлашдек хайрли мақсад мужассам эканида яққол намоён бўлади.

Мисол тариқасида 2002 йил — Қарияларни қадрлаш йилида қилинган айрим ишларни эслайлик. Шу йили, кексаларимизга қўшимча имтиёзлар бериш учун Пенсия жамғармаси томонидан, асосий тўловлардан ташқари, 39 миллиард 600 миллион сўм маблағ ажратилди. Икки миллион нафарга яқин қариялар тиббий кўрикдан ўтказилди. Қорақалпоғистон Республикасида "Тахиатош" санаторий-профилакторийси, Наманган вилоятида уруш ва меҳнат фахрийларига мўлжалланган "Косонсой" сиҳатгоҳи, Сирдарё вилоятининг Янгиер шаҳрида "Саҳоват уйи" фойдаланишга топширилди. Ногирон ва қаровсиз кексаларга 1 миллиард 340 миллион сўм миқдорида моддий ёрдам кўрсатилди. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Лекин, бу ўринда гап фақат рақамларда эмас, балки — ана шу одамлар ўзларини қаровсиз ва ёлғиз ҳис этмаслиги учун кўрсатилаётган меҳр ва ғамхўрликда, бу йўлда яратиб берилаётган имкониятларда, деб ўйлайман. Бу масаланинг бир томони.

Масаланинг иккинчи томони шундаки, юртимизда инсон манфаатларини таъминлаш, меҳр-оқибат ва ўзаро ҳамжиҳатлик муҳитини янада мустаҳкамлаш, ногиронлар, ёлғиз кексалар, кам таъминланган оилалар, умуман, кўмак ва ёрдамга муҳтож ҳеч бир инсоннинг давлат ва жамият эътиборидан четда қолмаслигига эришиш йўлидаги саъй-ҳаракатлар юртдошларимизга хос саховатпешалик, бировнинг дардига малҳам ва мадад бўлиш, эл-юрт ишига камарбасталик каби инсоний фазилатларнинг рўёбга чиқишида бекиёс омил бўлди. Зеро, яхшилик ортидан албатта яхшилик келади, деган гап бежиз айтилмаган.

2004 йил — Меҳр ва мурувват йили дастурида белгиланган тадбирларни бажариш учун 365 миллиард сўм сарфланган бўлса, унинг 115 миллиард сўмини ҳомийлар маблағи ташкил этди. Шу йили 93 та меҳрибонлик уйи ва махсус мактаб-интернат капитал таъмирдан чиқарилди ёки реконструкция қилинди. Айниқса, бир ярим мингдан зиёд фуқаронинг уй-жойи, 2100 маҳалла гузари, 275 маиший хизмат шохобчасининг ҳомийлар маблағи ҳисобига таъмирлангани, Наврўз ва Мустақиллик байрамлари олдидан ўтказилган умумхалқ ҳашарида ишлаб топилган 4 миллиард сўмдан зиёд мабалағнинг кам таъминланган оилаларни қўллаб-қувватлаш, маҳалла-кўйларни ободонлаштириш, жойларда спорт мажмуалари барпо этишга сарфлангани ибратлидир.

Муҳими, муайян йил дастуридан ўрин олган тадбирлар ўша йил доирасида чегараланиб қолгани йўқ. Хусусан, мамлакатимизда аёлларга берилаётган эътибор, уларнинг оила ва жамиятдаги мавқеини ошириш, ижтимоий фаоллигини кучайтириш йўлида қилинаётган ишлардан барчамиз яхши хабардормиз. Юртимизда 1999 йилнинг Аёллар йили деб эълон қилинишидан ҳам хонадонларимиз чироғи бўлган оналар, мунис опасингилларимизни эъзозлашдек эзгу интилиш кўзда тутилгани аён ҳақиқатдир.

Қувонарли жиҳати шундаки, ўша йили бошланган амалий ишлар изчил давом этиб келмоқда. Чунончи, 2004 йил 25 майда Президентимизнинг "Ўзбекистон Хотин- қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги фармони эълон қилинди. Унда хотин-қизларни, айниқса, қишлоқ жойларида иш билан таъминлаш, уларнинг қобилият ва истеъдодини рўёбга чиқариш, оммавий спортга жалб этиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. Ҳозирги кунда жойларда бу борада махсус дастур асосида иш олиб борилмоқда.

Яқиндагина Қарши шаҳрида бўлиб ўтган II Республика аёллар спартакиадасида Тошкент шаҳри ва барча вилоятлардан келган 400 нафардан зиёд хотин-қиз иштирок этгани, уларнинг аксариятини уй бекалари ташкил қилгани ҳам ана шу саъй-ҳаракатларнинг амалий кўринишидир.

Масалага чуқурроқ ёндашадиган бўлсак, кейинги йилларда қабул қилинган иқтисодиётни эркинлаштиришга, тадбиркорларни қўллаб-қувватлашга, касаначиликни ривожлантиришга, шахсий ва ёрдамчи хўжаликларда чорва молларини кўпайтиришни рағбатлантиришга оид фармон ва қарорларнинг моҳияти ҳам Оила, Инсон манфаатларини таъминлаш, Оналар ва болалар йили каби дастурларда зикр этилган вазифа ва мақсадлар билан уйғун ва ҳамоҳанг эканини кўрамиз. Ҳозирги кунларда саховатли юртдошларимизнинг мактаб таълимини ривожлантиришга, тиббиёт тизимини ислоҳ этишга қаратилган дастурлар асосида амалга оширилаётган билим ва шифо масканлари қурилишига беғараз ёрдам бераётгани, фермер ва тадбиркорлар, ҳомий ташкилотларнинг кўплаб савобли ишларга қўл ураётгани, хусусан, эҳтиёжманд ва кўп болали оилаларни соғин сигирлар билан таъминлаш ишига баҳоли қудрат ҳисса қўшаётгани ҳам Меҳр ва мурувват йилидаги хайрли ишларимизнинг мантиқий давоми эмасми?

Шу маънода, инсонни қадрлаш, унинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, ногирон, етим-есир, қаровчисини йўқотган юртдошларимизга меҳр ва ғамхўрлик кўрсатиш шиори остида ўтган ана шу йилларни том маънода эзгулик нури билан йўғрилган йиллар десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз. Шубҳа йўққи, Ҳомийлар ва шифокорлар йили ҳам улар қаторидан муносиб ўрин эгаллайди.

Инсоннинг умр йўлини паст-баланд, ўнқир-чўнқирли сўқмоққа қиёслаш мумкин. Дейлик, шу йўлдан бораётган инсон, боя айтганимиздек, жамиятдан, одамлардан яхшилик, меҳр ва ғамхўрлик кўрди. Эл-юрт меҳрини ўз ҳаёти, оиласи мисолида ҳис этди. Бундан, албатта, унинг руҳияти юксалади, дунёқараши ўзгаради. Юрагида ана шу эзгуликларга муносиб жавоб қайтариш, шу саховатли заминни янада обод ва фаровон этиш йўлида сидқидилдан меҳнат қилиш истаги туғилади, ўзини улуғвор ишларга чоғлайди.

Истиқлолимизнинг 15 йиллик санаси яқинлашмоқда. Бундай шукуҳли дақиқаларда Ватанимиз, халқимиз ҳаётида рўй берган улкан ўзгаришлар, амалга оширилган кенг кўламли бунёдкорлик ишлари, гўзал ва бетакрор юртимизда яшаётган турли миллат ва элатлар ўртасида қарор топган дўстлик ва ҳамжиҳатлик муҳити, мамлакатимизнинг иқтисодий салоҳиятини ошириш, фан, таълим, маданият, спорт соҳаларида қўлга киритилаётган натижалар беихтиёр кўз олдимиздан ўтади.

Давлатимиз раҳбари журналистлар билан бўлган бир суҳбатда, ҳаёт инсоннинг тафаккурини ўзгартиради, тафаккури ўзгарган инсон эса ҳаётни ўзгартиради, деган теран маъноли фикрни айтган эди.

Шу маънода, мустақиллик йилларида эришилган ютуқ ва марраларимиз, яратувчанлик ишлари онгу тафаккуримизга бекиёс таъсир ўтказади, қалбимизда фахр ва ифтихор, келажакка ишонч туйғуларини уйғотади. Ҳозирги вақтда Сурхон ва Қашқадарё даштларидан темир йўл ўтказаётган, Қўнғиротда сода заводи барпо этаётган, Сирғали ва Чилонзорда йўл ва кўприклар қураётган ишчиларимиз, пахта, ғалла, пилладан мўл ҳосил олаётган деҳқонларимиз, комил ва соғлом инсон тарбияси йўлида бор билим ва маҳоратини бахшида этаётган мураббий ва шифокорларимиз ҳам ана шундай Ватан меҳрини ҳар қадамда ҳис этадиган, мамлакатимизнинг иқтисодий салоҳияти ва қудратига ишонадиган, нафақат бугунги ҳаётимиз, балки эртанги кун ташвиши билан яшайдиган, Президентимиз таъбири билан айтганда, янгича тафаккур ва дунёқарашга эга бўлган бунёдкор инсонлардир.

Ана шундай инсонлар меҳнати билан юртимиз қиёфаси йил сайин гўзаллашмоқда, рўзғоримизга қут-барака кирмоқда, фаровон истиқбол сари ҳаракатимиз жадаллашмоқда. Буни Осиё Тараққиёт банки мутахассисларининг, Ўзбекистон сўнгги икки йил ичида жуда кучли ўсишга эришди, ялпи ички маҳсулот кўрсаткичларидаги ўсиш аввалги йиллардаги 4,2 фоиздан 7-7,7 фоизга кўтарилди, деган эътирофи ҳам тасдиқлаб турибди.

Дарҳақиқат, ўз олдига эркин, демократик жамият қуришдек аниқ ва улуғ мақсадларни қўйган, ҳар бир инсон ҳаётини олий қадрият деб биладиган давлатнинг келажаги, албатта, буюк бўлади.

**Аҳмад ХЎЖА**
**(ЎзА).**

## ЖАҲОН 24 соат ичида

### Дунёнинг энг қиммат шаҳри



***Россия пойтахти Москва дунёнинг энг қиммат шаҳри дея эътироф этилди. Американинг Mercer HR агентлиги мутахассислари шундай хулосага келишди. Ўтган йили бу ўринни Япониянинг Токио ва Осака шаҳарлари банд этганди. Бу йилги рўйхатда Москвадан кейинги ўринларни Сеул, Токио, Гонгконг ва Лондон шаҳарлари эгаллаб турибди. Санкт-Петербург ҳам ўтган 12 ойда 15-ўриндан 12-ўринга кўтарилди.***

***Mercer HR агентлиги мутахассислари дунёнинг 144 та шаҳарларида тадқиқотлар ўтказишди. Улар шаҳарлар рейтингини аниқлашда 200 та йўналишни ўрганиб чиқишди.***

### Сиёсатчилар қамоққа олинди



***Исроил ҳарбийлари 10 нафардан ортиқ фаластинлик сиёсатчиларни қамоққа олди. Улар орасида ҳукумат таркибида бўлган ХАМАС етакчилари ҳам бор. Бу ҳақда Фаластин ҳукуматининг расмий вакили хабар берди. Бироқ Исроил ҳукумати вакили бу маълумотни тасдиқламади ҳам, инкор ҳам этмади.***

***Манбада айтилишича, Иордан дарёсининг Ғарбий қирғоғида Исроил ҳарбийлари мухторият бош вазири ўринбосари Насер Шахер ва меҳнат вазири Муҳаммад Баргутни ҳибсга олганлар.***

***Ғазо минтақасида вазият тобора кескинлашиб бораяпти. Исроил армияси ушбу ҳудудда ҳарбий техникаларни кўпайтирганлар.***

### Америкада сув тошқинлари



***АҚШнинг шимоли-шарқий ҳудудларида сув тошқини юз бериши оқибатида камида 10 нафар киши ҳалок бўлди. Бир неча кун давом этган кучли ёмғирдан сўнг Саскуэханна дарёсида сув кескин кўпайиб кетди. Натижада Пенсильваниянинг 200 минг нафарга яқин аҳолиси зудлик билан кўчирилди.***

***Нью-Йорк ва Нью-Жерси штатларида ҳам фавқулодда вазият эълон қилинди. Сув тагида қолган уйлардан аҳолини қутқариш ишлари давом эттирилмоқда. Нью-Йорк штати губернатори Жорж Патаки қидирув-қутқарув ишларига миллий гвардия жалб қилинганини билдирди.***

### Террорчи судлашмоқчи

***Бир пайтлар дунёнинг биринчи рақамли террорчиси ҳисобланган, Шоқол лақаби билан машҳур Ильич Рамирес Санчес ўзининг қўлга олиниши билан боғлиқ масалада Франция махсус хизмати ходимларини судга берди.***

***Шоқол адвокатининг сўзларига қараганда, унинг мижози хорижий давлатда ноқонуний тарзда қўлга олиниб, Францияга келтирилган. Франция ташқи разведка хизмати собиқ раҳбари Филипп Рондо жорий йил январь ойида унинг қамоққа олинганлигини тасдиқлаганди. 56 ёшли Ильич Рамирес Санчес бир қатор портлашларни ташкил этганликда ҳамда қотиллик ва гаровга олишларга бошчилик қилганликда айбланмоқда. У ҳозирда уч кишининг ўлимида айбдор деб топилган.***

### Рекламага ишониб...



***Европанинг фармацевтика билан шуғулланувчи компаниялари илмий тадқиқотлардан кўра маркетингга икки ҳисса кўпроқ маблағ сарфлашмоқда. Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи халқаро Consumers International ташкилоти шундай хулосага келди. Ўтган йили компаниялар Европа бўйлаб тиббиёт препаратларини реклама қилиш учун 60 миллиард доллар маблағ сарфлашган. Натижада дорилар касалликнинг олдини олишдаги таъсирини ҳаддан ташқари ошириб кўрсатилмоқда.***

***Consumers International мутахассисларининг билдиришича, кўпгина беморлар дориларни ҳеч бир заруратсиз истеъмол қилишаяпти.***

### Чекувчилар учун самолёт

***Германияда биринчи бўлиб кашандалар учун хизмат кўрсатадиган авиакомпания ташкил этилмоқда. Smokers' International Airline айни пайтда тамаки тутунида ҳам меҳнат қилишга рози бўлган стюардессаларни ишга қабул қилмоқда. Авиакомпания самолётлари келгуси йил 26 мартда ўзининг биринчи йўловчилари билан Дюссельдорфдан Токиога қараб йўл олади.***

***Бироқ компания раҳбарларининг таъкидлашича, самода чекиш мижозлар учун анча қимматга тушади. Ҳозирдан маълум бўлишича, Smokers' International Airline самолётларида тежамли класс бўлмайди. Бу компания хизматидан фойдаланишни истаганлар фақат биринчи ва бизнес класс учун чипта харид қилишга мажбур.***

*Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.*

## 2006 йил — Ҳомийлар ва шифокорлар йили

***Нуриддинжон Рўзиев Сурхондарёдан пойтахтга келганида, анча тушкун кайфиятда эди. Боиси, у ёшлигида бир оёғидан ажраган. Олдига қўйган мақсадлари эса бисёр эди. Қалб дардини бир кўришда тушунган Республика ногиронлар жамияти ходимлари унга олий ўқув юртига ҳужжат топширишни маслаҳат беришди. Нияти холис экан, тўлов-контракт асосида бўлса-да, Тошкент ахборот технологиялари университетига ўқишга кирди. Ҳомийларнинг беғараз ёрдами билан шартнома пули ҳам тўланди. Ҳозир у иккинчи босқичда таҳсил олаётир.***

# УЛАРНИНГ КЎНГЛИ ЯРИМ ЭМАС

Бугун сир эмаски, юртимизда Нуриддинжонга ўхшаган йигит-қизлар кўпчиликни ташкил этади. Маълумотларга кўра, мамлакатимизда 850 минг нафарга яқин ногирон истиқомат қилади. Кимдир юришдан, кимдир гапиришдан, яна кимдир кўришдан мосуво. Зеро, улар ҳам инсон учун яратилган барча имкониятлардан фойдаланиб яшашга, бошқалар каби ўйнаб кулишга ҳақлидирлар. Кейинги пайтда мамлакатимизда ногиронларни ижтимоий-иқтисодий қўллаб-қувватлашга катта эътибор қаратилаётир. Хусусан, 1991 йилда Республика ногиронлар жамияти ташкил этилган бўлиб, у мамлакатимизда истиқомат қилаётган ҳаракат имконияти чекланганларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасида талайгина ишларни амалга ошириб келмоқда. Ҳозир жамиятнинг вилоятлар, Қорақалпоғистон Республикаси ва Тошкент шаҳрида 114 дан ортиқ филиаллари бўлиб, уларга 120 минг нафардан зиёд киши аъзо.

Ташкилот сўнгги йилларда асосий эътиборни ногиронларнинг жамиятдан узилиб қолмаслигига қаратмоқда. Бу борада, айниқса, янги иш ўринларини яратиш яхши натижа бераётир. Ҳозир жамият муассислигида "Азиз неъмат сервис", "Надежда", "Азизим" сингари 200 дан ортиқ шўъба корхоналари ташкил этилганки, уларда 4000 нафарга яқин ҳаракат имконияти чекланган юртдошларимиз иш билан банд. Демак, ногирон уйида "ўтириб" қолмайди. Қолаверса, оила бюджетига ҳам даромад келиб тушади. Хуллас, ишлаётган одамнинг кайфияти яхшиланади, элу халқ билан бирга эканлигидан руҳи равшан тортади.

Жамият айни кунларда ёш йигит-қизлар, яъни олий ўқув юртларида таҳсил олаётган талабаларни керакли ногиронлик буюмлари билан, контракт-шартнома асосида ўқиётганларга эса молиявий ёрдам кўрсатиб келмоқда. Талабаларнинг шартнома пулини қоплайдиган ҳомийларни топишдек хайрли иш ҳам унинг зиммасида. Бу ўринда ҳукуматимиз ва ҳомийларнинг берадиган ёрдами катта аҳамиятга эга. Бироқ ногирон талабаларнинг тўлов-контракт пулларини тўлашда маълум имтиёзлар яратилса, яхши бўларди, албатта.

Кейинги пайтда Соғлиқни сақлаш ҳамда Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирликлари, "Экосан", "Ёнгранг" сингари жамоат ташкилотлари, шунингдек, Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциациясининг қўллаб-қувватлаши билан жамият кўплаб тадбирлар уюштирмоқда. Ногирон ўсмирлар ўртасида "Ёркин ранглар дунёси" расмлар танлови, турли спорт мусобақаларини мисол сифатида келтириш мумкин. Жамият аъзолари ўйнайдиган "Байналмилал" футбол жамоаси эса халқаро миқёсда юртимиз шаънини ҳимоя қилиб келаяпти. Буларнинг барчаси ногиронларнинг жамиятда ўз ўрнини топишига имкон бермоқда. Уларнинг жисмонан имконияти чекланган бўлса-да, кўнгли бутун бўлишини таъминлаяпти. Кўзланган мақсад ҳам шу, албатта.

**Қобил ХИДИРОВ.**



# Фуқаро соғлиғи посбонлари

*Юртимизда соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш, уни малакали кадрлар билан таъминлаш ҳамда шифо масканларини жаҳон андозаларига мос этиб жиҳозлаш борасида ишлар изчиллик билан амалга оширилмоқда.*

Хусусан, Абу Али ибн Сино номидаги биринчи шаҳар клиник касалхонасида бу борада ҳаётга татбиқ этилаётган ишлар эътиборга сазовордир. Ушбу касалхона пойтахт даволаш-профилактика муассасалари орасида энг йириги ҳисобланади. Жорий йилда касалхонада жами 508 та даволаш ўрни ташкил этилган бўлиб, унда 12 та йўналиш бўйича 17 та даволаш бўлими фаолият кўрсатмоқда. Ушбу даволаш масканида ишлаётган шифокорлар билан бир қаторда Тиббиёт академияси ва Врачлар малакасини ошириш институти профессор-ўқитувчиларининг фуқаролар саломатлиги йўлидаги саъй-ҳаракатлари касалхонада хизмат кўрсатиш сифатини янада яхшилашда муҳим омил бўлаяпти.

— Жамоамизда 663 нафар ходим, жумладан 112 нафар врач ва 297 нафар ўрта тиббий ходим меҳнат қилади, — дейди Биринчи шаҳар клиник касалхонаси бош врачи ўринбосари Бахтиёр Исломов биз билан суҳбатда. — Уларнинг қарийб 90 фоизи ўз соҳаси бўйича малака оширган. Бундан ташқари, маъмурият касалхонанинг моддий-техник базасини яхшилаш ва уларни замон талабларига мувофиқлаштириш бўйича ҳам муайян ишлар қилаяпти. Масалан, ўтган йили 25,3 миллион сўмлик замонавий тиббий асбоб-ускуналар, 18,1 миллион сўмлик анжомлар харид қилинди ва 33 миллион сўмлик таъмирлаш ишлари амалга оширилди.

Ҳомийлар ва шифокорлар йилида касалхонада бепул тиббий хизмат кўрсатиш сифатини янада яхшилашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу йил ҳомийлар кўмагида касалхонага 7 миллион сўмлик зарур дори-дармонлар келтирилиши ҳам беморларга тўлақонли хизмат кўрсатиш имкониятларини яхшилади. Шу билан бирга, яқинда касалхонанинг реанимация, жарроҳлик зали, диагностика ва бошқа бўлимларга энг замонавий тиббий ускуналар келтириш режалаштирилган.

**Салим ДОНИЁРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**
**Темур ҚУРБОНБОЕВ**
**олган сурат.**

Хоразм вилояти хўжалик судининг 2006 йил 10 майда очилган № 22-06.03-2186-сонли иши бўйича 2006 йил 16 июнда қабул қилинган қарорига мувофиқ қарздор — Боғот туманида жойлашган

**«БОҒОТТЕКС» ОАЖ**

(юридик манзили: Боғот тумани, Ўзбекистон кўчаси, 1-уй)

**банкрот деб топилди**

ва унга нисбатан банкротлик таомилининг тугатишга доир ишини юритиш бошланди.
Суд қарорига мувофиқ тугатиш бошқарувчиси вазифасига Каримов Қувондиқ Ражабович тайинланди.
«Боғоттекс» ОАЖ кредиторларининг умумий йиғилиши 2006 йил 5 июль куни эрталаб соат 11.00да «Боғоттекс» ОАЖ биносида ўтказилади.

*Тугатиш бошқарувчиси кредиторларнинг талаб ва эътирозларини ушбу хабарнома чоп этилган кундан эътиборан икки ой давомида қуйидаги манзилда қабул қилади:*

741302, Хоразм вилояти, Боғот тумани, Ўзбекистон кўчаси, 1-уй.
Телефон: 8-362-31-56-196.

DELTA·BI EX
UZBEK EXHIBITION COMPANY

# ЗАЩИТА И СПАСЕНИЕ · 2006



МЕЖДУНАРОДНАЯ ЦЕНТРАЛЬНОАЗИАТСКАЯ ВЫСТАВКА

ОФИЦИАЛЬНАЯ ПОДДЕРЖКА
Государственное предприятие "UZMAKHSUSIMPEX"

**26-28 сентября 2006 года**

Тел. (99897) 330-48-00.
Факс (99871) 144-16-87.
E-mail: delta@uzpak.uz

МЕСТО ПРОВЕДЕНИЯ: ТПК "НАВРУЗ"
- технические средства обеспечения безопасности,
- антитеррористическое оборудование,
- средства защиты информации, * спасения при ЧС и пожарной охраны,
- обеспечения банковской и промышленной безопасности.

Бизнес-партнеры: infoCOM.UZ
ООО "NOVITA-EDMG"

2390Н/568

# МЕВА ва САБЗАВОТЛАР учун ПЛАСТМАСС ЯШИКЛАР сотилади.



Телефон 64-98-06

# АЛОҚА ХИЗМАТИДАН ФОЙДАЛАНУВЧИЛАР ДИҚҚАТИГА!



*Алоқа соҳасида кўрсатилаётган хизматлар сифатининг ва почта алоқаси корхоналари томонидан турли тўловларни амалга оширишда ўрнатилган тартибнинг бузилишига ҳамда истеъмолчилар ҳуқуқларининг поймол қилинишига йўл қўйилганда шанба ва якшанбадан ташқари ҳар куни соат 10.00дан 17.00гача (тушлик 13.00дан 14.00гача) Давлат алоқа инспекциясининг*

**137-01-11**
*рақамли*

**«ИШОНЧ ТЕЛЕФОНИ»**

*хизматига қўнғироқ қилинг.*

**Манзилимиз:**
**Тошкент ш., А. Толстой к., 1-уй, 1-қават.**
**E-mail:: sanktsiya@gis.uz**



Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри Давлат алоқа инспекцияларида шанба ва якшанбадан ташқари ҳар куни соат 10.00дан 16.00гача (тушлик 13.00дан 14.00гача) қуйидаги "Ишонч телефони" хизматларига мурожаат қилишингиз мумкин:

| | | |
|---|---|---|
| 1. | Қорақалпоғистон Республикаси | 224-01-11 |
| 2. | Андижон вилояти | 24-01-11 |
| 3. | Бухоро вилояти | 223-01-11 |
| 4. | Жиззах вилояти | 226-01-11 |
| 5. | Қашқадарё вилояти | 221-01-11 |
| 6. | Навоий вилояти | 224-01-11 |
| 7. | Наманган вилояти | 6-01-11 |
| 8. | Самарқанд вилояти | 22-01-11 |
| 9. | Сирдарё вилояти | 40-01-11 |
| 10. | Сурхондарё вилояти | 7-01-11 |
| 11. | Хоразм вилояти | 226-01-11 |
| 12. | Тошкент вилояти | 135-01-11 |
| 13. | Фарғона вилояти | 23-01-11 |
| 14. | Тошкент шаҳри | 136-01-11 |

# SAMSUNG ФОТОПРИНТЕРЛАРИ УЙДА ФОТОЛАБОРАТОРИЯ!



**Бугунги кунда ҳар қандай инсоннинг ҳаётини фотосуратларига қараб кузатиш мумкин. Ота-онамнинг ёшлигида фақат иккита фотоальбоми бўлган эди, менда эса ўнтадан ортиқ! Ўртоқлар билан учрашув, шаҳардан ташқарида дам олиш, қизиқарли инсонлар билан танишув, оилавий тадбирлар ва ҳоказо — буларнинг ҳаммаси менинг ниҳоятда кўп суратларимда акс этган. Рақамли камералар пайдо бўлганидан кейин эса суратга тушиш шу қадар табиий бўлиб қолдики, гоҳ у, гоҳ бу жойда бемалол суратга тушаверамиз. Фақат фотосуратларни чиқариш пайти келганда ўйланиб қоламиз...**

> Ҳозир рақамли суратларни чоп этиш муаммо эмас, фақат вақт-у пулингиз бўлса кифоя. Униси ҳам, буниси ҳам анчагина талаб этилади: рақамли суратларни чоп этиш тасмалисидан анча қиммат. Хуллас, ана шу битта муаммо қизиқарли суратга тушишнинг бутун кайфиятини бузади. Samsung компанияси бу муаммони ҳал этишнинг ўз йўлини таклиф этади SPP-2040/2040S ва SPP-2020/2020R ихчам фотопринтерлари, уч йиллик кафолат муддати билан.

> Бу моделлар амалда бир хил бўлиб, фақат дизайнида озгина фарқ қилади. Бажарадиган вазифалари эса айнан ўхшаш.

> Суратни босиб чиқариш учун фақат «Print» тугмасини босиб, 60 сония кутиш етарли! Роппа-роса 1 дақиқадан кейин чиқиш яшикчасида сурат пайдо бўлади ва ўзининг ёрқин бўёқлари, тасвирининг аниқлиги, аъло ранг ифодаси, ранг тусларининг хилма-хиллиги билан сизни ҳайрон қолдиради. Айтгандек, бу моделда Samsung компанияси янги антиқа чоп этиш усулини қўллаган, бунда суратга уни намликдан ва бармоқ изидан ҳимоялайдиган силлиқ қатлам қопланади.

> Суратга олинган тасвирнинг нимасидир сизга ёқмаса, принтернинг тасвирни қайта ишлаш имкониятлари ёрдамида суратни тузатиш мумкин. Зўр-а?!

Бу ҳали ҳаммаси эмас. SPP-2040/2040S ва SPP-2020/2020R принтерларида суратларни чиқариш учун уларга рақамли ташувчи (фотокамера, видеокамера, уяли телефон) компьютерсиз бевосита уланади. Шуниси етарли. Механизм жуда осон ишлайди.

> Уйда умуман суратни симсиз чоп этишни ташкил қилиш мумкин. Бунинг учун принтерни Bluetooth адаптери билан бутлаб, бу вазифани бажарувчи уяли телефонлардан суратларни чиқариб олиш мумкин.

> Хўш, бу ажойиб чоп этиш қурилмаси ўзи қандай қиёфада? SPP сериясининг фотопринтерлари стандарт видеокассетадек ихчам (18 см. х 13,6 см. х 6,1 см.) қутичадир. Ҳа, улар худди шундай: кичик, нафис, енгил. Уларни уйдан ишга ва ишдан уйга сумкада олиб юриш осон.

> Samsung компаниясининг тамойилларидан бири барча ишлаб чиқариладиган мосламаларнинг жозибали кўринишидир. SPP-2040/2040S ва SPP-2020/2020R фотопринтерлари ҳам шундай. Принтерларнинг кулранг металл корпуси жиддий ва нафис қиёфа бағишлайди, қизил ва қора безаклари туфайли у кўпроқ кўзга ёқади. Думалоқ тугмалари осон ва овозсиз босилади, бутун корпуснинг думалоқроқ бурчаклари эса қурилманинг ихчамлигини оширади.

> Шундай қилиб, қулай, ихчам, тез ишлайдиган ва нафис SPP-2040/2040S ва SPP-2020/2020R фотопринтерлари ҳамма фотоҳаваскорларга ёрдам беради.

> SPP-2040/2040S ва SPP-2020/2020R фотопринтерлар моделларига хизмат кўрсатувчи сервис-марказлари — «MASTER-SERVICE» ХФ (Чилонзор тумани, Туроб Тўла кўчаси, 55-уй. Тел.: 144-72-91, 127-78-74) ва «Delight» ШК (Қори-Ниёзий кўчаси, 39-уй. Тел.: 137-68-03, 137-68-04).

2850Р/1002

## "АТРОФ-МУҲИТ МУҲОФАЗАСИ (ГЕОГРАФИК ИНФОРМАЦИОН ТИЗИМЛАРИ)" МУТАХАССИСЛИГИ БЎЙИЧА ХАЛҚАРО МАГИСТРАТУРАГА ТАНЛОВ ҲАҚИДА



## ЭЪЛОН

## ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА МЕЛИОРАЦИЯ ИНСТИТУТИ (ТИМИ) ТОМОНИДАН ГОЛЛАНДИЯНИНГ ВАГЕНИНГЕН УНИВЕРСИТЕТИ

билан биргаликда ўзаро ҳамкорлик шартномаси доирасида "Атроф-муҳит муҳофазаси (Геоинформацион тизимлари)" мутахассислиги бўйича халқаро магистрлик ўқув дастури ишлаб чиқилган ва мазкур мутахассислик бўйича 2004 йилдан бери қабул амалга оширилмоқда. Айни пайтда ТИМИ магистратурасига мазкур мутахассисликка 2006-2008 ўқув йиллари учун қабул бошланганлиги ҳақида эълон қиламиз.

Магистратурада ўқув жараёни Вагенинген университети ва ТИМИ да ўқитиладиган фанлар асосида ташкиллаштирилган бўлиб, тасдиқланган ўқув дастури, миллий ва Европа таълим стандартларига бутунлай мос келади. Ўқув дастури икки йилга мўлжалланган бўлиб, 120 Европа кредит соатидан кам бўлмаган ўқув юкламасидан иборат. Ўқув жараёни ТИМИ қошида ҳамкорликда ташкил қилинган ЭкоГИС ўқув марказида инглиз, ўзбек ва рус тилларида олиб борилади.

Биринчи ўқув семестрини аъло баҳоларга битириб, инглиз тилидан имтиҳон ва суҳбатдан муваффақиятли ўтган магистрлар Вагенинген университети талабалари сафидан ўрин олиш имкониятини қўлга киритади. Ўқув дастури томонидан қўйилган талабларни бажарган талабалар ўқишни давом эттириш учун маълум муддатга Вагенинген университетига юбориладилар. Мазкур талабалар илмий-тадқиқот ишларини тугатиб, магистрлик диссертациясини Ўзбекистонда ҳимоя қиладилар ва ўта иқтидорли магистрлар Вагенинген университетининг дипломини ҳам олиш имкониятини қўлга киритадилар.

Ўқув дастурининг мақсади магистрларга ресурсларни тежаш ва табиий бойликлардан оқилона фойдаланишнинг самарали йўлларини топишда жуда зарур бўлган замонавий билим ва кўникмаларни етказиб беришдан иборат. Шунингдек, мазкур ўқув дастури атроф-муҳит, географик информацион тизимлар, масофадан туриб тупроқ сифатини баҳолаш ва геоинформацион тизимлар соҳасида замонавий дастурий таъминот турларидан (ArcView, ERDAS, VRML, ENVI ва бошқалар) фойдаланиш бўйича чуқур билим олишга имкон беради.

### Танлов жараёни

Талабгорларнинг дастлабки танлови Вагенинген университети маъмурий офиси томонидан ўтказилади. Август ойида эса талабгорлар ТИМИда ўтказиладиган кириш имтиҳонларидан ўтишлари керак.

### Танлов жараёнини ўтказиш тартиби

Ҳужжатларни қабул қилиш ва кўриб чиқиш — **2006 йил 25 июлгача.**
Талабгорлар билан суҳбат — **2006 йил, июль.**
Кириш имтиҳонларини топшириш — **2006 йил, август.**
Танлов натижаларини эълон қилиш — **2006 йил август ойининг охири.**

### Талабгорлардан қуйидаги ҳужжатлар сўралади:

- *ариза сўровномаси (3х4 фотосурат билан);*
- *ўрта мактаб аттестатининг нусхаси;*
- *бакалавр дипломининг нусхаси (диплом иловаси инглиз тилига таржима қилинган ва тасдиқланган бўлиши керак);*
- *илмий ютуқлар ва бошқа сертификатлар нусхаси;*
- *TOEFL ёки IELTS сертификати (мазкур ҳужжатга эга бўлмаган номзодлар она тилиси инглиз тили бўлган ўқитувчидан ёки бошқа ўқитувчидан тавсиявий хат топширишлари керак);*
- *тавсиявий хат (иш ёки ўқиш жойидан);*
- *мотивация хати;*
- *резюме (CV);*
- *паспорт нусхаси.*

**Анкетани олиш ва ҳужжатларни топшириш учун қуйидаги манзилга мурожаат қилиш мумкин: Тошкент шаҳри, Қори-Ниёзий кўчаси, 39-уй, ТИМИ, ЭкоГИС маркази.**
**Боғланиш учун телефонлар: +(99871) 137-19-34, 137-09-58. Факс: +(99871) 133-14-39.**
**e-mail: alimpulatov@mail.ru, abdurahim24@gmail.com**

# ДУНЁ ЯНАДА ЯҚИНРОҚ БЎЛИШИ УЧУН UZDUNROBITA first cellular МТС ГА ҚЎШИЛМОҚДА



МТС – Ўзбекистон (Уздунробита) тармоғига компания офисида уланган ҳар бир янги абонентга совға тақдим этилади!

**МТС – Ўзбекистон абонентлари учун:**
- Тошкентда уланиш учун янги 400 xxxx ва 401 xxxx индекслари очилди.
- Халқаро роуминг хизмати Ирландияда (O2), Кипрда (Areeba), Жанубий Кореяда (KT Freetel) ишга туширилди.

Хизматлар лицензияланган

**WWW.MTS.UZ**

